UZINVEST.UZ

Юкори даромадли лойихларга химояланган инвестициялар

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$1 500 000

ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$1 124 000

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
52%

МУАЛЛИФ САРМОЯСИ:
$1 000 000

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 2008
НУФУЗЛИ ХУСУСИЙ МАКТАБ

Лойиханинг махсади: Лойиҳа халқаро бакалавриат **(International Baccalaureate, IB)** нуфузли халқаро дастури бўйича юқори сифатли таълим тақдим этувчи халқаро мактаб ҳисобланади. Мактаб ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашувни таъминлаб, болаларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва қобилиятларига мос шахсийлаштирилган таълимни таклиф этади. Ушбу мақсадга эришиш учун ўқув ҳудудларининг замонавий жиҳозланиши ва юқори малакали ўқитувчиларни жалб этиш назарда тутилган.

Мактабнинг асосий миссияси – глобал муаммоларни самарали ҳал қила оладиган ва замонавий тез ўзгарувчан дунё шароитида муваффақиятли ҳаракатлана оладиган янги авлод лидерларини тарбиялашдан иборат.

Ўзбекистонда таълим хизматлари бозори ҳозирги пайтда фаол ривожланиш ва жиддий ўзгаришлар босқичида турибди. Сифатли халқаро таълим ва инглиз тилида ўқитишга бўлган талаб ошиб бормоқда, бироқ шу билан бирга давлат ва хусусий таълим муассасалари ўртасида рақобат ҳам кучаймоқда.

Лойиҳа халқаро таълим стандартлари асосида реконструкция олиб борилаётган бинода амалга оширилмоқда. Мактаб бир вақтнинг ўзида **550–600** нафар ўқувчини ўқитиш имкониятига эга бўлади. Ўтказилган таҳлилларга кўра, мактаб жойлашган ҳудудда **800** дан ортиқ оила яшайди ва улар хусусий мактабда болаларини ойига **$600** дан **$900** гача тўлаш орқали ўқитиш имкониятига эгадир.

Муаллиф қурилиш, таъмирлаш ишлари ва бошқалар учун **$1 000 000** маблағ киритишга тайёр.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда фақат учта хусусий мактаб (Invento, Oxbridge ва TIS) тўлиқ IB дастурини таклиф қилмоқда ва яна учта мактаб (Vasiq School, Smart School ва ITA) уни қисман қўлламоқда. Ушбу мактабларда тўлиқ IB дастури бўйича таълим нархи ойига камида **$1200** дан бошланади. Хўш, агар шунга ўхшаш таълим маҳсулоти **40–45%** арзонроқ нархда таклиф этилса, бу бозордаги кучлар мувозанатини сезиларли даражада ўзгартиради ва юқори сифатли халқаро таълимни кенг аҳоли қатлами учун янада муҳайё қилади.

Мактабни очиш **2025** йил сентябрь ойига режалаштирилган. Шу билан бирга, савдо бўлими ўз фаолиятини июн ойида бошлаб, янги ўқув йили бошлангунча етарли сонида ўқувчиларни жалб этишни таъминлайди. Бугунги кунда бинонинг тайёргарлик даражаси 60% ни ташкил этади, барча зарур мебел ва жиҳозлар буюртма қилинган. Режага кўра, май ойига келиб бино ва жиҳозлар тўлиқ тайёр бўлади ва потенциал ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарига намойиш этилади. Ўқитувчи ва маъмурий жамоа тўлиқ шаклланган ва иш бошлашга тайёр.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $1 500 000, шундан:

Номланиши	Сумма, $
Мебел сотиб олиш	55 000
Ускуналар ва жихозлар	60 000
Таъмирлаш ишлари	55 000
Жой ижараси (6 ой)	270 000
Иш хаки (6 ой)	1 060 000
Жами	**1 500 000**

Йиллик даромадлар хакида маълумот

Номланиши	Укувчилар микдори	Нархи, $	Сумма, $
Сентябрь	400	700	280 000
Октябрь	420	700	294 000
Ноябрь	440	700	308 000
Декабрь	460	700	322 000
Январь	500	700	350 000
Февраль	500	700	350 000
Март	500	700	350 000
Апрель	500	700	350 000
Май	500	700	350 000
Жами			**3 304 000**

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Иш хаки	1 100 000
Маркетинг	120 000
Озик овкат	110 000
Соликлар	220 000
Жой ижараси	540 000
Бошка харажатлар	90 000
Жами	**2 180 000**

- Йиллик даромад: $3 304 000
- Йиллик харажатлар: $2 180 000
- **Йиллик соф фойда**: $3 304 000 – $2 180 000 = **$1 124 000**

$$\textbf{ROI} = \frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}} \text{ x Инвестор улуши x 100\% = } \textbf{52\%}$$

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармоя тўлиқ қоплангунига қадар: Инвестор – **70%** ва лойиҳа Муаллифи – **30%**
Киритган сармоя тўлиқ қоплангач: Инвестор – **50%** ва лойиҳа Муаллифи – **50%**